Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: Info@xs.uz ● 2011 йил 13 июль, № 136 (5303) Чоршанба

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Ислом Каримов Жаноби Олийлари!

Сизга БМТ Бош котиби сифатида қайта сайланишимда мамлакатингиз ҳукуматининг қўллаб-қувватлагани, Сизнинг шу муносабат билан менга йўллаган табрик мактубингиз учун самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Бундан беш йил аввал ушбу лавозимга сайланганимдан сўнг, БМТга аъзо мамлакатларга чин дилдан ва бор кучимни сафарбар этиб хизмат қилишга қасамёд қилган эдим. Мен ўз фаолиятимда бошқаларга намуна бўлишга ва аъзо мамлакатларни ташвишга солаётган масалаларга алоҳида эътибор қаратишга сўз берган эдим. Мен Сизнинг қўллаб-қувватлашингиз билан БМТга ёрдам ва ҳаётини яхшилашни сўраб мурожаат қилаётган дунёдаги барча инсонлар фаровонлиги йўлида янада кўпроқ ва яхшироқ хизмат қилишга интиладиган некбин инсон сифатида келажакка катта орзу-умидлар билан қарашимни баён этган эдим.

Шундан буён мен ана шу умидлар ва мажбуриятларимга амал қилиб келмоқдаман. Сизни ишонтириб айтаманки, бу омиллар иккинчи муддатдаги фаолиятим мобайнида ҳам менга ғайрат-шижоат ва куч-қувват бахш этаверади.

БМТдек нуфузли ташкилотнинг Бош котиби сифатида фаолият кўрсатаётганим ва унинг жасоратли ҳамда ўз ишига садоқатли жамоасига раҳбарлик қилаётганимдан фахрланаман. Биз тинчлик ва хавфсизлик, тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ глобал миқёсдаги ўткир масалаларни ҳал этиш борасида муваффақият қозониш учун ҳамжиҳатликда иш олиб бордик. Биз, глобал фаровонликка эришишдек умумий хайрли мақсад йўлида бирлашиб, елкама-елка туриб ҳаракат қилсак, эзгу мақсадларни амалга ошириш мумкин эканлигини исботлай олдик. Келгусида инсониятга катта хавф солиши мумкин бўлган таҳдидларга қарамай, биз биргаликда амалга оширган барча ишларимиз менга мамнуният бағишлайди.

Мен бундан буён ҳам ўзаро ҳамкорлигимизни ривожлантиришга, БМТ Низомида мустаҳкамлаб қўйилган тамойилларга таянган ҳолда, жаҳондаги барча инсонлар манфаати йўлида хизмат қиладиган кучли ва самарали восита яратиш учун бор азму шижоатимни ишга солишга тайёрман. Биринчи муддат аввалида таъкидланганидек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — бизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотимиз — бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этаётир.

Жаноби Олийлари!

Сизга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Қатъий қўллаб-қувватлаганингиз учун беҳад миннатдорман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ва фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Пан Ги МУН,
БМТ Бош котиби

Мамлакатимизда Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида барпо этилаётган намунавий лойиҳадаги уй-жойлар аҳоли фаровонлигини юксалтириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ давлат сиёсатининг амалдаги ифодаси эканлиги, айниқса, аҳамиятлидир.

ҚИШЛОҚ УЙЛАРИНИНГ ФАЙЗУ ТАРОВАТИ

2010 йилда республикамизнинг барча вилоятларида зарур қулайликларга эга, халқимизнинг ҳаёт тарзига мос кўплаб шундай тураржой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилгани ана шундан далолат беради.

2011 йилда Сурхондарё вилоятида 675 та намунавий лойиҳадаги уй-жой қурилиши режалаштирилган. Йил бошиданоқ ушбу объектлар учун 14 та туманнинг 36 та аҳоли пунктида ер майдонлари ажратилиб, қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Ҳозирга қадар биргина Бойсун туманининг “Бибиширин” аҳоли пунктида 45 та бири-биридан чиройли уй-жой бунёд этилди. Қувонарлиси, янги лойиҳага кўра, бу ерда буюртмачилар таклифлари асосида машина қўйиладиган усти ёпиқ гараж ҳам қурилди. Чиройли ва кўркам дарвозахона эса ҳовлига кўрк бағишлади. Янги лойиҳада, шунингдек, ҳовли баланд девор билан ўраб олиниши ҳам кўзда тутилган.

— “Работ” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Мирқорағўз қишлоғида 2010 йилда ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга

Бунёдкорлик

олиниб, пишиқ ғиштдан қурилган 50 та намунавий лойиҳа асосидаги уйда аллақачон оилалар истиқомат қилишмоқда, — дейди туман ҳокими ўринбосари Бахтиёр Саидов. — Бу уйларда барча шароит яратилган. Шу кунларда эса қурувчилар янги тураржой массивида савдо мажмуалари ҳамда гузарларни қуришмоқда.

— Уйларимиз лойиҳасини тайёрлаган архитекторлар барака топишсин, — дейди янги уй эгаси, коллеж ўқитувчиси Пўлат Тўраев. — Қишлоқда намунавий лойиҳадаги уйлар қурилаётган пайтда тўрт хонали уйга буюртма бергандик. Мана, орзу-ниятимиз ушалиб, замонавий тураржойнинг эгаси бўлиб турибмиз. Меҳмонхонамиз кенг, шинам. Ошхонада мазали таомлар тайёрлаш учун шароитлар етарли. Худди шаҳардагидек, ошхона ва ювиниш хонасига ҳам сув келтирилган. Қурувчилар, айниқса, уйнинг ёзги айвонини чиройли қилиб қуришибди. Ёз ойларида пешайвонда ўтиришнинг гашти бўлакча-да. Биз учун бу уйларнинг яна бир қулайлиги шундаки, “Қишлоқ қурилиш банк”ка уй нархининг маълум қисминигина тўладик. Қолганини эса 15 йил давомида аста-секин узиб борамиз.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Маҳсулот – экспортга

НАВОИЙ. *Нурота туманидаги “Зафар Гранит” масъулияти чекланган жамияти эндиликда тош гранитларини экспортга чиқаришни йўлга қўйди.*

Амриддин Худойбердиев раҳбарлик қилаётган ушбу корхона жамоаси дастлабки 220 куб метрлик қимматли қурилиш материалларини хорижлик буюртмачиларига етказиб берди. Экспорт қилинган маҳсулот эвазига хориждан бир ярим миллион АҚШ долларилик тошга ишлов берувчи замонавий технологиялар келтириш режалаштирилган. Мазкур лойиҳа амалга оширилиши билан бу ерда меҳнат қилаётганлар сони 250 нафарга етади.

Яна бир аҳамиятли томони шундаки, корхона жамоаси Ғозғон тош конида майда гулли қизил, қора, кўк рангли гранит плиталари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кенг имкониятлар, кўламли лойиҳалар

ЖИЗЗАХ. *Галлаороллик тадбиркор Бахром Каримов томонидан лойиҳа қиймати 150 миллион сўмлик қум ва шағал ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги корхона ишга туширилди.*

Қисқа муддатда мазкур “Ойбек Диёр” масъулияти чекланган жамиятининг 12 кишилик жамоаси томонидан 200 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш материаллари тайёрланиб, намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган тураржойларга етказиб берилди.

Жорий йилда туманда фақатгина ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган 31 лойиҳани амалга ошириш учун 5 миллиард сўмдан ортиқ сармоя йўналтирилди.

У. АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Парҳез таом мўл бўлади

СИРДАРЁ. *Тадбиркор Нишонбой Бобожонов ташаббуси билан балиқ етиштиришга ихтисослаштирилган корхона ташкил этилди.*

Ушбу лойиҳани амалга оширишда тадбиркорга банкнинг 82 миллион сўмлик кредити қўл келди. Натижада бу ерда йилига 268 миллион сўмлик “луқмаи ҳалол” етиштириш имконияти яратилди.

Шуниси эътиборлики, вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес субъектлари томонидан 6 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ.
«Халқ сўзи» мухбири.

Президентимизнинг кеча матбуотда эълон қилинган “Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоларини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармойишини тўлқинланиб ўқиб чиқдим. Мукофотланганлар орасида ўғлим Аббосбекнинг ҳам борлигини кўриб, рости, кўзларимга ёш келди.

ЮКСАК ЭЪТИБОРДАН ҒУРУРЛАНАМИЗ!

Истиқлол шарофати, давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати туфайли ҳамюртларимиз қатори, биз, ота-оналар ҳам фаровонликда, фарзандларимиз роҳатини кўриб ҳаёт кечираяпмиз. Инсон учун бундан ортиқ бахт борми? Шундай пайтларда болалигим ёдга тушади. Болаликда футболга жуда-жуда қизиқардим, умуман, спорт жону дилим эди. Лекин ўша даврларда ҳозирги имкониятлар қаерда эди дейсиз? Ҳеч қандай шароитга эга бўлмаган, чекка бир қишлоқдан кўзга кўринган футболчи бўлиб етишиб чиқишдан кўра, игна билан қудуқ қазиш осонроқ эди. Ёдимда, жуда ҳам эскириб кетган “формам” бўларди. Ўшани кийиб олардим-да, ўртоқларим билан кичик бир яланглиқда тошдан дарвоза ясаб, қирқ ямоқ копток билан футбол ўйнардик. Қани, айтинг-чи, бундай шарт-шароитда спорт билан шуғулланган ёшлар “яшил майдон юлдузи” бўлиб етишиб чиқиши мумкинми?..

Дил сўзи

Бугун-чи? Юртбошимизнинг барча соҳалар қатори спорт, хусусан, футболга қаратаётган эътибори, яратиб берилаётган қулайликларга фақат ҳавас қилиш мумкин. Бирибиридан кўркам, замонавий спорт мажмуалари, стадионларни айтмайсизми? Буларни кўриб, кўзинг қувнайди, улар ҳақида эшитиб, дилинг яйрайди. Ана шундай шароитда улғаяётган ёш авлод эса ҳеч кимдан кам эмаслигини намоён этмоқда. Уларнинг орасида фарзандим ҳам борлигидан нафақат ота сифатида, балки буюк ва муқаддас Ватаннинг бахтли бир фуқароси сифатида ғурурланаман.

(Давоми 2-бетда).

ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ

корхоналарнинг жадал ривожланишида муҳим аҳамиятга эга

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз жадал ривожланиб, жаҳон ҳамжамияти олдида ўзининг юксак иқтисодий салоҳиятга эга эканлигини амалда тўлиқ исботлади. Ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиб бораётгани, экспорт ҳажмининг юксалаётгани, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш даражаси ошаётгани, қисқача айтганда, аҳолининг турмуши тобора яхшиланаётгани бунинг ёрқин далилидир. Қўлга киритилаётган мазкур ютуқлар замирида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган оқилона ислоҳотлар, ҳаётий дастурларнинг изчил ижроси мужассам, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Фармон ва ижро

Халқаро экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон иқтисодиётининг тараққиётида инвесторларга қулай муҳит яратиб берилгани, хўжалик юритувчи субъектлар учун турли имтиёзларнинг қўлланилаётгани, айниқса, муҳим омил бўлаётир. Натижада маҳаллий ва хорижий инвесторлар ўз сармояларини иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш корхоналарини молиявий жиҳатдан рағбатлантиришга йўналтираяпти. Бунда, табиийки, Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони дастуриламал бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Шу кунларда истиқлолимизнинг йигирма йиллигини кенг нишонлаш арафасида турибмиз. Дарҳақиқат, бундай лаҳзаларда босиб ўтилган йўлимизга бир назар ташлаб, эришилган ютуқларимизни, марраларимизни чуқур таҳлил қиламиз, истиқболдаги фаолиятимизнинг асосий йўналишларини белгилаб оламиз.

ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ҲИСОБОТЛАРИНИ ЭШИТИШ – ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ МУҲИМ ШАКЛИ

Дарҳақиқат, ўтган даврда бошқа соҳалар каби давлат ҳокимияти ва бошқаруви, хусусан, парламент изчил ислоҳ этилди. Аввало, бир палатали Олий Мажлис давлат ҳокимияти органлари тизимида муносиб ўрин эгаллади ва демократик ислоҳотлар чуқурлашгани сайин таъсири ҳам муттасил юксалиб борди. Эътиборли жиҳати, мазкур даврда парламент анъаналари қарор топди, ўзига хос миллий парламент қадриятлари, қонунчилик мактаби шакланди.

Юртбошимиз томонидан Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, мустақиллик йилларида ижро ҳокимиятини ислоҳ қилиш ва унинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди. Чунончи, 2007 йилда Президентнинг бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканлигини белгилайдиган норма Конституциямиздан чиқарилди. Бунинг натижасида ҳукумат фаолияти тубдан ўзгарди. Бош вазирга ҳукуматга раҳбарлик қилишнинг бутунлай ёки тўлиқ ўтиши, унинг ҳуқуқи кенгайтирилганлиги, шу жумладан, ҳукумат аъзолари Бош вазир тақдими билан шакллантирилиши унинг Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этишдаги ва унга раҳбарлик қилишдаги масъулияти ҳамда жавобгарлигини оширди. Бу ислоҳотлар ҳукуматнинг мамлакат иқтисодиёти, ижтимоий ва маънавий соҳадаги фаолиятида самарали раҳбарликни амалга оширишига имконият яратди ва ҳукуматнинг том маънода мустақил ҳамда масъул бўлишини таъминлади.

(Давоми 2-бетда).

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР

қишлоқ хўжалигида маҳсулдорликни янада ошириш омилидир

Ўзбекистонга ташриф буюрган қайси меҳмондан сўраманг, албатта, юртимизнинг гўзал боғ-роғлари, ширин-шакар меваларини тилидан бол томиб мақтайди. Қолаверса, ўзимизда етиштирилган гўшт ва сут маҳсулотлари ҳам экологик жиҳатдан тозалиги, турли витаминларга бойлиги, хуштаъмлиги билан дунё бозорида ўз ўрнига эга. Бу бежиз эмас, албатта. Мамлакатимизда истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар аграр соҳада эришилаётган салмоқли муваффақиятларга замин бўлаётир. Пировардида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланиб, бозорларимиз

Тадбир

ободлиги, демакки, халқимиз фаровонлиги таъминланмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган “Ўзбекистонда боғдорчилик ва чорвачиликни ривожлантиришда фаннинг тутган ўрни: муаммо ва ечимлар” мавзуидаги илмий-амалий конференцияда шулар ҳақида сўз борди. Р. Р. Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институтида ўтказилган ушбу тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, мутахассислар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

Бир рақам шарҳи

Банклар капитали кўпаймоқда

Мамлакатимизда 2011 йилнинг биринчи чорагида банк тизимининг умумий капитали ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 36,4 фоизга кўпайди.

Очиғи, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида айрим чет эл молия муассасалари ўз капиталининг етишмаслигидан қийналаётган бир пайтда бизда бундай юқори ўсишга эришилгани қувонарлидир. Шу боис ҳам тижорат банкларимизнинг капиталлашув даражаси тобора юксалиб, активлари ҳамда депозитлари ҳажми муттасил ошиб бораётгани халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. Кўплаб банкларимиз халқаро рейтинг агентликларининг юқори баҳосига сазовор бўлгани ана шундан далолат беради.

Аслида, бу 2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари дастурининг изчил ижроси натижасидир. Банклар ресурс базасининг кўпайиши эса, ўз навбатида, уларнинг иқтисодиёт реал сектори корхоналари инвестициявий лойиҳаларини амалга оширишдаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қилаётир.

ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ҲИСОБОТЛАРИНИ ЭШИТИШ — ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ МУҲИМ ШАКЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар ислоҳотларимизнинг навбатдаги босқичига ўтишга замин яратди. Бунда, албатта, Концепция асосида ишлаб чиқилган ҳамда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Қонуннинг аҳамияти каттадир. Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларни янада мутаносиб тақсимлашга қаратилган мазкур Қонунда парламент ваколатларини кенгайтиришга, сиёсий партияларнинг ролини оширишга, ижроия ҳокимиятининг, хусусан, Бош вазирнинг масъулиятини янада оширишга қаратилган бир қанча қоидалар белгиланган.

Хусусан, Конституциямизнинг янги таҳрирдаги 78-моддаси 15-бандига биноан, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари доирасига киритилди. Бу таомил қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасидаги муносабатнинг ўзига хос усулини жорий қилиш билан бирга, Бош вазир ва у орқали ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишнинг янги механизмини белгилаб берди. Чунки баъзи хорижий давлатлардагидан фарқли равишда мамлакатимиз парламенти палаталари агар у ёки бу масалани долзарб деб ҳисоблаганда, ҳукумат раҳбарининг ҳисоботини ҳар қандай вақтда ҳам эшитиш ваколатига эга бўлди. Мазкур конституциявий қоида парламентнинг ижро ҳокимиятига таъсирини янада кучайтиради. Энг асосийси, ҳукумат фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратининг ўрнатилишини, ҳукумат фаолиятининг шаффофлигини таъминлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Бош вазир ҳисоботини эшитиш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари зиммасига улкан масъулият юклайди. Айниқса, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига дахлдор долзарб масалалар юзасидан ҳукумат раҳбари ҳисоботини тинглашдан олдин ушбу масалани чуқур ўрганиш, муқобил таҳлил асосида вазиятни баҳолай билиш лозим. Бунда парламент эшитуви холислигини ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида аниқ тадбирлар режаси ва махсус саволнома ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раҳбарлигида мамлакатимиз ижро ҳокимияти томонидан тегишли йўналишда амалга оширилган ишлар ҳамда бу ҳолатни мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этилган маълумотномалар, шунингдек, танлов асосида ҳудудлар мисолида жойларга чиқиб ўрганиш айни муддаодир. Бундай ҳозирлик тадбирлари пировардида ҳукуматнинг ҳисобот тақдим қилишдаги масъулиятини оширса, сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларига ўз электорати манфаатларини илгари суришда янада кенгроқ имконият яратиб беради.

Умуман, парламент эшитувларини ўтказишнинг туб замирида ижро ҳокимияти олиб бораётган комплекс чора-тадбирлар самарадорлигини кучайтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсади мужассамдир. Шу сабабли Олий Мажлис палаталари, айниқса, сиёсий партиялар ҳукумат фаолиятининг айрим йўналишлари бўйича ишларни янада яхшилаш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар билдириши, зарур ҳолларда, партия позицияси ҳамда асосли танқидий хулосаларини бериши мақсадга мувофиқдир. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига киритилган тузатишлардан кўзланган мақсад сиёсий партияларнинг ҳокимиятга интилишини рағбатлантириш, фаоллигини кучайтириш, улар ўртасида рақобат муҳитини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Хулоса ўрнида айтганда, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар, айниқса, давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш мақсадида қабул қилинган қонунлар, шу жумладан, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Қонун имкониятларидан самарали фойдаланиш парламент аъзолари олдида турган энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Зотан, бу Қонуннинг асосий мақсади — эл фаровонлиги ҳамда юрт тараққиётини юксалтиришдир.

Насимжон АЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ

корхоналарнинг жадал ривожланишида муҳим аҳамиятга эга

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида кўплаб лойиҳалар рўёбга чиқарилаяпти. Банк сармоясининг иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини қайта тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга жалб қилинаётгани нафақат иқтисодий, балки ижтимоий аҳамият касб этмоқда. Мисол учун, енгил саноатимизнинг энг йирик корхоналаридан бири — "Чиноз тўқимачи" кейинги йилларда қолоқлик ботқоғига ботиб, атиги 46 фоиз қувват билан ишлар, қарздорлик тобора ошиб бораётган эди. Ўзингиз ўйланг, шундай паллада 550 нафар ишчи-хизматчининг кайфияти қандай бўлиши мумкин? Президент Фармони асосида мазкур корхона "Ўзмиллийбанк" балансига ўтказилгач, манзара тамомила яхши томонга ўзгара бошлади. Унинг негизида ташкил этилган "Chinoz Textile" масъулияти чекланган жамияти эса, орадан кўп ўтмай, ночорликдан барқарорлик сари юз тутди.

— Банк томонидан ажратилган 5,1 миллиард сўм сармоя, энг аввало, ишлаб чиқаришни кучайтиришга йўналтирилди, — дейди жамият директори Баҳриддин Эшмирзаев. — Шу мақсадда цехларни АҚШ, Бельгия, Италия, Швейцария ва Япония мамлакатларидан келтирилган замонавий технологик ускуналар билан қайта жиҳозлаб, улардан унумли фойдаланишга киришилди. Пировардида ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ўсиб, мавжуд иш ўринлари тўлиқ сақлаб қолинди.

Бу ерда, асосан, калава ип ва трикотаж мато ишлаб чиқарилади. Уларга нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб катта. Сабаби, маҳсулот сифати юқори бўлиб, жаҳон стандартларига тўла жавоб беради. Корхона "ISO 9001:2008" халқаро сифат сертификатини қўлга киритгани бежиз эмас-да.

Жамиятда иш уч сменада ташкил этилган бўлиб, кунига 11,5 тонна маҳсулот тайёрланмоқда. Бошқача айтганда, жорий йилнинг биринчи ярмида умумий қиймати 11 миллиард 295 миллион сўмлик 1769 тонна маҳсулот, жумладан, 93 тонна трикотаж мато ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилди. 6,9 миллион АҚШ долларилик маҳсулот эса экспорт қилингани, айниқса, эътиборга молик.

Мазкур корхонада "Ўзмиллийбанк" томонидан "Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришда банкларнинг аҳамияти" мавзуида ташкил этилган тадбирда ана шулар хусусида сўз юритилди. Унда, шунингдек, "Chinoz Textile" масъулияти чекланган жамияти банк сармоялари шарофати туфайли қайта оёққа турган 45 та корхонадан бири эканлиги алоҳида таъкидланди.

Банкнинг инвестиция фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш департаменти директори ўринбосари Рустам Убайдуллаевнинг айтишича, ушбу субъектлар фаолиятини тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва уларнинг айланма маблағларини шакллантириш учун 86,7 миллиард сўм миқдорида инвестиция йўналтирилган. Натижада барча корхоналарда ўтган давр мобайнида 196,5 миллиард сўмлик рақобатбардош саноат маҳсулотлари тайёрланди. Шундан 57,3 миллион АҚШ долларилик қисми экспортга чиқарилдики, бу мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар нақадар юксак самаралар бераётганини яққол тасдиқлаб турибди.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ҚИШЛОҚ УЙЛАРИНИНГ ФАЙЗУ ТАРОВАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу биз, ўқитувчилар учун катта моддий ёрдам-да. Давлатимиз раҳбарининг бизга кўрсатаётган бундай ғамхўрлигидан беҳад миннатдормиз.

Дарвоқе, жорий йилда Бойсун қурувчилари томонидан жами 45 та ана шундай уй-жой қад ростлайди. Айни кунларда пудратчилар ўртасида ўтказилган тендер танловида ғолиб чиққан "Пўлат", "Бойсун ихтисостаъмир", "Орзу" хусусий ишлаб чиқариш корхоналари қурувчилари юқори суръат билан меҳнат қилишмоқда. Улар Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрамига қадар белгиланган замонавий уйларни қуриб, калитларини буюртмачиларга топширишни мақсад қилишган. Туман ҳокимлиги томонидан пишиқ ғишт ва темир-бетон маҳсулотлари етказиб берадиган корхоналар тўғридан-тўғри қурилиш ташкилотларига бириктирилганлиги боис иш суръатлари тобора жадаллашмоқда.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қишлоқларимизда якка тартибдаги ўзбекона, файзли хонадонлар қурилаётганлиги аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда, — дейди туман Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бошлиғи И. Холов. — Гап шундаки, қурилиш объектларини пишиқ ғишт билан таъминлаётган "Жило Файз", "Шах Юнон" заводларида олиб борилган модернизациялаш ишларидан сўнг уларнинг ишлаб чиқариш қуввати оширилгач, ҳар бирида 30-35 нафар ишчи ишлаши таъминланди. Хусусан, бош пудратчи "Пўлат" хусусий корхонасида намунавий лойиҳадаги уй-жойлар қурилишидан олдин бор-йўғи 8-10 нафар киши ишлаган бўлса, ҳозир бу ерда салкам 60, шунингдек, "Орзу"да 90 нафар, "Бойсун ихтисостаъмир"да эса 70 нафар қурувчи меҳнат қилмоқда.

Шу кунларда Бойсунда қад ростлаган янги гузарларда ободонлаштириш ишлари авжида. Бибиширинда эса қурувчилар тураржойлар қурилишини босқичма-босқич якунлашмоқда. Тўйга тўёна билан боришга одатланган бойсунлик бунёдкорлар Истиқлол байрами арафасида бу қишлоқ аҳлига файзли уйларни туҳфа қилишмоқчи.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЮКСАК ЭЪТИБОРДАН ҒУРУРЛАНАМИЗ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жаҳон чемпионатига кетишдан олдин Аббосбек "Отажон, онажон, Мексика майдонларида, албатта, юксак натижаларни қўлга киритамиз ва Президентимизнинг бизга билдирган ишончини оқлаймиз" деган эди. Телевизор орқали терма жамоамиз ўйинларини қайта-қайта томоша қилар эканмиз, ана шу эзгу ният ижобат бўлганини чин юракдан ҳис қилдик. Болаларимизнинг дунёнинг нариги чеккасидаги давлатда кўрсатган бири-биридан чиройли ўйинлари, голлари, ғалабаларига бутун дунё қойил қолгани-чи? Зеро, АҚШ, Чехия, Австралия каби жаҳон футболида ўз номига эга жамоаларни бирин-кетин мағлуб этиб, чорак финалгача етиб бориш, жаҳоннинг энг кучли саккиз терма жамоаси орасидан жой олишнинг ўзи бўлмайди. Ҳатто мексикалик мухлислар ҳам футболчиларимизни "Uzbekistan, Uzbekistan!" дея олқишлаб туришди. Ўзбек ёшлари дунёда ҳеч кимдан кам эмасликларини яна бир бор исботлашганини кўриб, ҳар бир ватандошимиз, айниқса, биз каби катта авлод вакилларининг боши кўкка етди. Муҳими, ёш чарм тўп усталаримизнинг ушбу эришган муваффақияти энг мўътабар ва азиз байрамимиз учун муносиб туҳфа бўлди.

Муҳаммадали ЖЎРАЕВ.

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР

қишлоқ хўжалигида маҳсулдорликни янада ошириш омилидир

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Бугун барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалигини ҳам жадал ривожлантиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда, — дейди қўмита раиси Э. Юсупов. — Мамлакатимизда соҳага фан ютуқларини изчил татбиқ этиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Бунинг самараларини интенсив боғлар ҳамда халқаро миқёсда синалган тажрибаларни чорвачиликка жорий қилиш мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Масалан, биргина 2010 йилда республикамиз бўйича жами 127,9 минг гектар боғлардан 1710,4 минг тонна ҳосил етиштирилди. Шундан 1226,1 тоннаси аҳоли истеъмолига, 311,3 минг тоннаси қайта ишлаш ва 173 минг тоннаси экспортга йўналтирилди. Бу кўрсаткич 2009 йилдагига нисбатан 8,6 фоизга кўп деганидир. Чорвачиликни ривожлантириш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аҳоли ва фермер хўжаликларига зотдор қорамолларни кимошди савдолари орқали сотиш, чорва моллар харид қилиш учун мақсадли ва имтиёзли кредитлар ажратиш, зооветеринария хизмати сифатини ошириш ҳамда озуқа билан таъминлаш механизми изчил такомиллаштириб борилмоқда. Қорамоллар сонининг охирги беш йил ичида 29 фоизга кўпайгани бу борадаги ижобий ўсишнинг ёрқин тасдиғидир.

Конференцияда янги боғ ва токзорлар ташкил этиш масаласи хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

— Бу борада мамлакатимиздаги мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган 40 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари учун қатор шароитлар яратиб берилмоқда, — дейди қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари Ш. Нурматов. — Масалан, уларга янги боғ ва токзорларни барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш учун 14 млн. 628 минг тупдан ортиқ мевали дарахт ҳамда 15 млн. туп ток кўчати етказиб берилди. Шунга монанд равишда охирги икки йил мобайнида 4 млн. 213,4 минг дона мевали дарахт ниҳолига эга интенсив боғлар ташкил этилди.

Шу ўринда савол туғилади: интенсив боғларнинг афзаллиги нималарда кўринади?

— Бу турдаги боғларда дарахт таналари кичик бўлади, — дейди Р. Р. Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Р. Абдуллаев. — Бу қатор қулайликларга эга. Яъни кўчатларга ишлов ва шакл бериш, уларни суғориш, ўғитлаш ҳамда ҳосилни осонлик билан йиғиб олиш мумкин. Демак, иш унумдорлиги ва маҳсулдорлиги ошади. Шунингдек, дарахтлар танасига ёруғлик тушиши ҳамда ҳаво айланиши маромида бўлади. Натижада мева нобуд бўлишининг олди олиниши билан бирга, унинг сифати ортади. Энг асосийси, интенсив боғларда агротехника, тупроқ унумдорлигини ошириш, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш тадбирлари ўз вақтида самарали бажарилса, икки-уч йилда гектаридан 60-100 тонна ҳосил олиш мумкин бўлади.

— Она Ватанимиз боғларида етиштирилган мевалар мазаси довруғи дунёга кетган, — дея ҳамкасбининг фикрини давом эттиради институт агротехника бўлими мудири А. Арипов. — Юксак эътибор, экологик тоза муҳит, меҳнаткаш халқимиз меҳри бунинг асосидир. Қолаверса, бизнинг шароитда ўсимликларни 3-5 маротаба дориласак — кифоя. Қуёш нури эвазига кимёвий дориларнинг парчаланиш даври қисқа ва тўлиқ бўлиб, зарарли қолдиқлар миқдори умуман йўқолиб, мева софлиги таъминланади. Ваҳолонки, ривожланган мамлакатларда мевали боғларга вегетация даврида 30-33 марта ишлов берилади ва оқибатда, кимёвий парчаланиш жуда суст кечади.

Конференцияда давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 11 январда қабул қилинган "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори соҳа ривожида дастуриламал бўлаётганига урғу берилди. Хусусан, Р. Р. Шредер номидаги илмий институт жамоаси мазкур ҳужжат асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш агротехникасини такомиллаштириш, юртимиз иқлимига мос, тезпишар, серҳосил ва касалликларга чидамли навлар яратиш, уларнинг биологияси, тупроқ ва иқлимга мослашуви, ушбу жараёнларга замонавий технологияларни жорий этиш каби йўналишларда қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Чунончи, бу ерда охирги йилларда барча стандартларга жавоб берадиган 28 та янги мева ва узум нави синовдан ўтказилиб, амалиётга татбиқ этилди.

— Интенсив боғдорчилик самарасини Самарқанд, Фарғона ва Тошкент каби бир қатор вилоятлар кўркига кўрк қўшиб турган боғлар мисолида кўриб турибмиз, — дейди қўмита аъзоси Ш. Турсунбоев. — Бундан ташқари, республикамиз ҳудудидаги лалми ерларда боғдорчиликда янги тармоқ — зайтун ва писта етиштириш бўйича марказлар ташкил этилиб, уларда олимлар ҳамда фермерлар ҳамкорлиги йўлга қўйилганини таъкидлаш жоиз.

Илмий-амалий конференцияда қишлоқ хўжалиги тармоқлари тараққиётининг янги уфқларини очишда фан-техника билан уйғунликни мунтазам кучайтириб бориш, соҳага инновацияларни изчил татбиқ этиш катта аҳамият касб этиши таъкидланди.

Саиджон МАХСУМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАДБИРКОРНИНГ ҚЎШ КОРХОНАСИ

Навоий шаҳридаги "Navoiy FSK" масъулияти чекланган жамияти қошида бир йўла иккита завод барпо этилди. Бунинг учун "Ипак йўли" банкининг 954 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағидан фойдаланилди.

Интилиш

— Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгиланиш борасида қулай имкониятлар яратилгани туфайли рақобатбардош, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми тобора ошиб бораяпти, — дейди корхона раҳбари Баҳриддин Кушанов. — Масалан, корхонамизда 240 турдаги сифатли ва бежирим мебель ҳамда уй-рўзғор буюмлари тайёрланаяпти. Ўтган йили мижозларга 600 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот етказиб бердик. Бугун бетон-плита ишлаб чиқариш заводига ҳам эгамиз. Шу пайтга қадар корхонамизда 40 нафар киши меҳнат қилган бўлса, мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида улар сафига яна 50 нафар ишчи қўшилиб, қурилиш, бунёдкорлик учун бетон-плиталар ишлаб чиқарила бошланди.

— Айнан бетон-плита тайёрлашга ихтисослаштирилганингизга сабаб нима? — сўраймиз тадбиркордан.

— Тўғриси, қишлоқларимизда барпо этилаётган намунавий уй-жойлар оромимизни ўғирлади, — дейди Баҳриддин ака. — Шундай гўзал қурилишларнинг тезлашишига ҳисса қўшиш ниятимизга айланди. Ўйлаб-ўйлаб, қурилиш учун энг зарур материал — бетон-плита, деган фикрга келдик. Шаҳар ҳокимлиги ва бошқа мутасадди раҳбарлар режамизни маъқуллашди, керакли миқдорда кредит олишга кўмаклашишди.

Баҳриддин Кушановнинг касби иқтисодчи. Шу боис ҳар бир ҳаракатини етти ўлчаб бир кесади. Янги заводни барпо этиш мақсадидаги фикрларини у қанчадан-қанча мутахассислар билан ўртоқлашди. Хорижда бўлиб, янги технология, замонавий ускуналар билан танишди.

Бу технологиянинг афзаллиги 1 квадрат метр плитанинг 1200 килограммгача юк кўтариш қувватига эга эканлигида эди. Мутахассисларнинг фикрича, айни пайтда ишлатилаётган бундай плиталар қуввати 800 килограммни ташкил этар экан. Яна бир муҳим жиҳати, уни тайёрлаш жараёнида арматура ўрнига симдан фойдаланишдир. Бу эса маҳсулот таннархининг 30 фоизгача арзонлашишига хизмат қиларкан.

Янги корхонада Россиядан келтирилган "БАЗ-2" бетон қориштирадиган ускуна ўрнатилди. Иккинчи заводда эса бетон-плита қопламаси қуядиган "Тенсиланд" ускунасини монтаж қилиш ишлари ниҳоясига етиб қолди.

Барпо этилган 6 та йўлак 72 метр узунликда бетон-плита қуйишга мослаштирилган. Кейин эса бундай узунликдаги бетон-плиталар 12 метргача бўлган турли ўлчамларда кесиб олинади. Заводнинг бир йилда 40 минг куб ҳажмида бетон-плита ишлаб чиқариш қувватига эга эканлиги, саноат шаҳри — Навоийда ҳадемай сифатли ва чидамли қурилиш материллари янада кўпайишидан далолатдир.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Яхши хабарлар

Бўстонлиқ туманидаги "Рамазон" фермер хўжалигида сутни қайта ишлайдиган янги технологик линия ишга туширилди.

Замонавий ускуна афзаллиги

Мазкур хайрли ишни фермер Муқимжон Ҳамидов ўз маблағидан ташқари, банкнинг 22 миллион сўмлик кредити эвазига амалга оширди. Корхона жамоаси ўтган қисқа фурсатда ҳудуддаги савдо шохобчаларига 40 миллион сўмликка яқин маҳсулот етказиб берди.

Корхона фаолият бошлагач, пойтахт вилоятида сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхоналар сони 33 тага етди.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Ёшлик» – меҳмонларга мунтазир

Қарши шаҳрида уч қаватли замонавий "Ёшлик" меҳмонхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 300 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Ташриф буюрувчилар учун мазкур кошонада алоҳида анжуманлар зали, ресторан ва бошқа бир қатор қулайликлар яратилган.

Ҳозир вилоят миқёсида 20 га яқин хусусий меҳмонхоналар маҳаллий ва хорижлик меҳмонларга сифатли хизмат кўрсатаётгани алоҳида эътирофга сазовор.

А. МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Юртимиз мустақилликни қўлга киритган буюк тарихий сана, халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида беқиёс ўрин тутадиган, катта шоду хуррамлик билан нишонланадиган энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллик байрами тобора яқинлашмоқда. Шундай шукуҳли дамларда Ватанимиз мустақил тараққиёт йўлининг залворли ютуқларини, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини ёрқин ҳаётий мисоллар асосида кенг тараннум этиш муҳим аҳамиятга эга.

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» — ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДАГИ НУФУЗЛИ ТАНЛОВ

Бу оммавий ахборот воситалари вакиллари, хусусан, журналистлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 6 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорида мазкур йўналишда муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу қарорга асосан, истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган улкан ишларни кенг тарғиб этиш, оддий, ҳаётий мисолларда уларнинг моҳиятини очиб бериш мақсадида журналистларимиз самарали меҳнат қилмоқдалар. Бу йўналишдаги ишларга салмоқли ҳисса қўшаётган оммавий ахборот воситалари ходимларини рағбатлантириш мақсадида журналистика соҳасида "Энг улуғ, энг азиз" танлови ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида ўтказиладиган "Энг улуғ, энг азиз" анъанавий танловининг аҳамияти, ушбу нуфузли тадбирга тайёргарликнинг бориши хусусида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод ҒУЛОМОВ билан суҳбатлашди.

— Бугунги давр журналистлар олдига тобора катта вазифаларни қўймоқда, — дейди Ш. Ғуломов. — Президентимиз шу йил 27 июнь куни матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригида қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлади: "…Матбуот минбаридан айтилган сўз қандай қудратли акс садо бериши мумкинлигини, унинг таъсири ва самарасини ошириш, аввало, сизларнинг маҳоратингиз, ижтимоий позициянгиз, инсоний ва ижодий фазилатларингизга, ҳамиша масъулият туйғуси билан иш олиб боришингизга боғлиқ эканини миллионлаб муштарийлар яхши билади ва сиздан айнан шуни кутади".

Албатта, бу самимий сўзлар биз, журналист аҳлига катта қувонч бағишлаб, барчамизни эл-юрт ва халқимиз хизматига ҳамиша тайёр туришга ундайди, зиммамизга катта масъулият юклайди. Юртбошимиз табригида олдимизга қўйилган вазифалар фаолиятимизни, имконият ва салоҳиятимизни танқидий баҳолаш, ижодимизга янада масъулият ҳисси билан ёндашишга даъват этади. Халқимиз журналистларни Ватан тараққиёти, юрт равнақига, ҳақиқат ва адолат барқарорлигига хизмат қиладиган фидойи ижод аҳли, деб билади. Шундай экан, бугун журналист юртимиз манфаатининг том маънодаги ҳимоячиси бўлиши, мазкур соҳада мамлакатимиз ва жаҳонда тўпланган илғор иш тажрибаларини пухта ўзлаштириши лозим.

Бунинг учун юртимизда журналистлар учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Истиқлол йилларида оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Оммавий ахборот воситалари соҳасида қабул қилинган демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган ўнга яқин қонун ҳужжатлари журналистларнинг эркин фаолият юритиши, ахборот олиши, матбуотимизнинг амалда мустақил бўлишини таъминламоқда.

Журналистларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш, уларни янги ижодий марралар сари руҳлантириш масалаларига давлатимиз ва ҳукуматимиз доимий эътибор қаратаётир. Шу маънода "Энг улуғ, энг азиз" танлови журналистлар учун катта рағбат бўлмоқда.

— Мазкур танловнинг истиқлолимиз йигирма йиллиги нишонланадиган жорий йилдаги аҳамияти ва унга оид янгиликлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган, Ватанимиз мустақиллиги кунига бағишланган "Энг улуғ, энг азиз" танлови олдинги йилларда бешта йўналиш — бадиий адабиёт, босма оммавий ахборот воситалари, телерадио журналистикаси, тасвирий санъат ва кино санъати соҳаларида ўтказиб келинарди. Ўтган йилларда ўнлаб журналистлар ушбу нуфузли танлов ғолиби бўлдилар.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида номи зикр этилган қарорига биноан мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги муносабати билан санъат соҳасида алоҳида танловлар ўтказиш белгиланган. Шунга мувофиқ, жорий йилда "Энг улуғ, энг азиз" республика танлови фақат журналистика соҳасида ўтказилмоқда. Танлов Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Танловнинг мақсади "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" деган эзгу ғояни, ўтган йигирма йил мобайнида барча соҳалар ва тармоқларда қўлга киритилган ютуқ ва натижаларимизни, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудратини, юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини янада чуқурроқ очиб бериш ҳамда халқаро жамоатчиликка етказишга қаратилган. Айни вақтда мустақиллик биз учун энг буюк ва энг азиз қадрият экани, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги улкан ишларни, давлатимизнинг халқаро майдонда нуфузи ошиб бораётганини оддий, ҳаётий мисолларда кенг аҳоли қатлами эътиборига ҳавола этиш кўзда тутилган.

"Энг улуғ, энг азиз" танлови — матбуот, телевидение, радио ҳамда интернет-журналистика, фото ва дизайн ишлари бўйича ўтказилади. Ҳар бир йўналиш 1, 2, 3-ўрин даражасида баҳоланади. Бундан ташқари, юқоридаги соҳалар бўйича иккитадан рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам таъсис этилган.

Танловга 2010 йилнинг 1 августидан 2011 йилнинг 1 августигача бўлган даврда газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар жорий йилнинг 1 августигача қабул қилинади.

Таъкидлаш жоиз, "Энг улуғ, энг азиз" республика танловини ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилади.

— Айтинг-чи, шундай танловлар жараёнида ҳамкасбларимизнинг ижодий маҳорати, бугунги замон билан ҳамнафаслиги қандай жиҳатларда намоён бўлмоқда?

— Бугунги глобаллашув даври, аввало, журналистлардан катта маҳорат, кучли билим ва кенг тафаккурни талаб этади. Зотан, мамлакатимизни ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллашини мақсад қилган эканмиз, журналистларимиз замонавий ахборот-коммуникация технологияларини яхши ўзлаштириши, бугунги давр шиддатига мос бўлиши даркор.

Айни шу жиҳатлар юртимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 1218 та оммавий ахборот воситаси мавжуд бўлиб, шундан 700 номдагиси газета, 250 номдагиси журнал, 17 номдагиси бюллетень-ахборотномалардир. Шунингдек, юздан ортиқ телерадиотармоқлари фаолият кўрсатмоқда, 150 веб-сайт оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган. Мамлакатимизда тўртта ахборот агентлиги ишлаб турибди.

Мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни тарғиб этишда журналистларнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳақида гапирганда, аввало, мавжуд журналистик тизимни янги миллий мазмун билан бойитиш асослари яратилганини таъкидлаш жоиз. Бу аждодлар меросига эҳтиром, миллий руҳ ва ўзликни англаш, оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тутган ўрнига алоҳида эътибор, уларнинг фаолиятини эркинлаштириш, журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги изчил ишларда ўз ифодасини топмоқда.

Шу билан бирга, Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, ҳаётимизда ахборот эркинлигини таъминлаш, давлат ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, уларни одамларнинг ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабати ҳамда позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантириш бугунги кунда энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Буни чуқур англаш, шунга муносиб тарзда ижод қилиш, одамлар қалбидаги Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини янада кучайтириш юртимизда фаолият юритаётган ҳар бир журналистнинг муқаддас бурчидир.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ суҳбатлашди.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Иш ўринлари қисқартирилади

АҚШнинг жаҳонга машҳур тармоқ жиҳозлари ишлаб чиқарувчи "Cisco" корпорацияси иш ўринларини 10 мингтага қисқартиришга қарор қилганини билдирди.

Бу ҳақда "Bloomberg" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Манбага қараганда, муассаса шу йўл орқали харажатларни тежаш ҳамда даромадни оширишни режалаштирмоқда. Изоҳланишича, иш жойларини камайтириш 2012 йилга бориб, компанияга бир миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағни тежаб қолиш имконини беради.

Маълумот сифатида келтириб ўтамиз, олдинроқ "Cisco" иш жойларини етти мингтага камайтиришни билдирганди.

Поездлар ҳалокати

Ҳиндистонда йирик темир йўл ҳодисаси содир бўлди.

Мамлакатнинг Уттар-Прадеш штатида юз берган ушбу бахтсиз ҳодиса оқибатида 53 нафар йўловчи ҳаётдан кўз юмган, 250 киши тан жароҳати олган. Фожиага машинистнинг поездни фавқулодда тўхтатишга қилган уриниши сабаб бўлган. Бу вақтда поезд соатига 110 километр тезликда ҳаракатланаётганди. Натижада 12 та вагон издан чиқиб кетган.

Таажжублиси, ушбу нохуш воқеадан бир неча соат ўтгач, мамлакатнинг Ассам штатида ҳам темир йўл ҳодисаси юз берган. Бу ерда ҳам поезд рельсдан чиқиб кетган. Оқибатда, тахминан юз киши тан жароҳати олган.

«Қиммат» шаҳарлар

Ангола пойтахти — Луанда хорижликлар учун энг қиммат шаҳар сифатида эълон қилинди.

Бундай хулосага "Mercer Human Resource Consulting" компанияси томонидан олиб борилган кузатишлар натижасида келинди. Таъкидлаб ўтамиз, экспертлар ушбу рўйхатни тузишда 200 та омилга эътибор қаратишган. Мазкур рўйхатнинг иккинчи поғонасидан Японияннинг Токио шаҳри, ундан кейинги ўринни Чад пойтахти Нжамена шаҳри банд этди.

Хорижлик меҳмонлар учун энг арзон жой сифатида Покистоннинг Карачи шаҳри қайд этилган.

Дарвоқе, ўтган йили тузилган рўйхатда ҳам Луанда шаҳри биринчи поғонадан жой олган эди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятга ривожланишини кўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли шартларда молиявий ёрдам кўрсатиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида янги иш ўринларини барпо этиш мақсадида кўпчилик номинациялар бўйича танлов эълон қилади!

«Энг яхши инновация лойиҳаси»
«Хорижий валютадаги энг яхши инвестиция лойиҳаси»
«Тадбиркор аёллар орасида энг яхши бизнес-лойиҳа»
«Ёшлар тадбиркорликка оид энг яхши бизнес-лойиҳа»
«Ёш тадбиркорларнинг энг яхши бизнес-лойиҳаси»

Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тел./факс: (+ 998 71) 198-56-00, 233-17-88
www.nbu.uz сайти

Биз сиз учун ишлаймиз!

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида иқтисодиётимиз йил сайин юксалиб бормоқда. Бундай муваффақиятларга, аввало, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, янги қувватларни ишга тушириш, иқтисодий истиқболи бўлмаган корхоналарни тугатиш ва улар негизида янгиларини ташкил этиш ҳисобига эришилаётир.

КРЕДИТ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Айниқса, ушбу муваффақиятларда тижорат банкларининг тобора кўпроқ жалб қилинаётганлиги муҳим роль ўйнамоқда.

Маълумки, 2008 йил 18 ноябрда Президентимизнинг "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинган эди. Мазкур Фармон талаблари асосида жорий йилнинг ўтган даврида Хоразм вилоятида 24 та банкрот корхона тижорат банклари тасарруфига ўтказилди. Бугунгача банклар балансига берилган корхоналарнинг 6 таси ўз фаолиятини қайта йўлга қўйди, 17 тасида эса ижобий натижаларга эришилмоқда. Қайта оёққа тураётган корхоналарда 1515 та иш ўрни яратилди. Буни Ҳазорасп туманининг Питнак шаҳарчасидаги "Khorezm bricrs" масъулияти чекланган жамияти мисолида яққол кўриш мумкин.

Мазкур корхона банкрот деб эълон қилинган "Туямўйинғишт" ҳамда "Хўжалик ҳисобидаги махсус қурилиш тармоғи" корхоналари негизида янгидан ташкил этилди. "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ томонидан ажратилган 2 миллиард 400 миллион сўмдан ортиқ миқдордаги инвестиция қурилишбоп пишган ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхонанинг фаолиятини йўлга қўйиш имкониятини яратди. Корхонага чет элдан замонавий технология келтириб ўрнатилди. Янги машина ва механизмлар сотиб олинди. Узлуксиз газ ҳамда электр таъминоти йўлга қўйилди. Ғишт қуритиш ва пишириш печлари модернизация қилинди. Натижада бу ерда 71 иш ўрни яратилди. Жамоа жорий йил бошидан буён қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаёт уй-жойлар қурилиши ва аҳоли учун 160 миллион сўмлик ёки 1 миллион донадан ортиқ ғишт етказиб берилгани эътиборга лойиқ. Қисқача қилиб айтганда, банк сармояси туфайли корхона қаддини тиклаб олди, истеъмол бозорида ўз ўрнига эга бўлди. Ҳозир ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 300-350 минг сўмни ташкил этяпти. Унумли меҳнат қилиш, дам олиш учун барча шароит яратилган.

— Бозор ҳар доим изланишни, интилишни талаб этади, — дейди биз билан суҳбатда корхона раҳбари Жасурбек Рўзиметов. — Маҳсулотимизга бўлган талаб катта. Шу боис ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтириш, маҳсулот сифатини яхшилашни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ҳозирги кунда қўшимча ғишт қуритиш, пишириш линияларини монтаж қилиш ишларини давом эттираяпмиз. Жараён якунига етгач, қиш мавсумида ҳам сифатли ғишт ишлаб чиқариш имкониятига эга бўламиз. Қўшимча янги иш ўринлари ҳам яратилади. Умуман олганда, яқин кунларда кунига 60 минг дона ғишт ишлаб чиқариб, харидорларга етказиб беришни мўлжаллаяпмиз.

Булардан кўриниб турибдики, тижорат банкларининг паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилинганлиги уларнинг молиявий барқарорликка эришишини таъминлабгина қолмай, балки ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳоли бандлигини таъминлашда, қолаверса, иқтисодиётимизнинг мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ойбек РАҲИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН

спорт анжомлари ва ускуналари ҳамда сунъий қопламаларни харид қилиш учун тендер савдолари ўтказилди.

Ушбу тендер савдолари бўйича тендер комиссияси томонидан қуйида келтирилган корхоналар ғолиб деб топилди:

ТТ-2011-I
- «Ўз Тонг Хонг Ко» ҚК (Андижон вилояти)
- «Хўжаобод» МЧЖ (Андижон вилояти)
- «Машхим» МЧЖ (Наманган вилояти)
- «Стеклопластик» МЧЖ (Самарқанд вилояти)
- «Азия Спорт-С» ХФ (Тошкент шаҳри)
- «Телематрик» МЧЖ (Тошкент шаҳри)

ТТ-2011-II
- «TSA SPORT TRADING» (Малайзия)

"Росагропромснаб" МЧЖ
ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.
• УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
• 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР
• ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
• ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари



Т/ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90
Манзил: Тошкент ш., Чилонзор маҳалласи, "Ц" даҳаси, 6-уй (мўлжал — "Шухрат" дўкони жойлашган чорраҳа)

Бадиий гимнастика

Юртимизда ёшлар, хусусан, болаларнинг жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишлари учун қулай шарт-шароит яратилаётгани ўзининг ижобий самарасини бераётир.

ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ ТИМСОЛЛАРИ

— Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, мамлакатимизда хотин-қизлар спорти, жумладан, бадиий гимнастика тобора оммалашиб бормоқда, — дейди Фарғона шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бош мураббийси Сания Валиева. — Бу, албатта, соҳага Юртбошимиз раҳнамолигида алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, жойларда энг замонавий спорт жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган, малакали мураббийлар фаолият кўрсатаётган бири-биридан муҳташам мажмуалар ташкил этилганлиги самарасидир. Ушбу шарт-шароитлардан баҳраманд ҳолда спорт билан астойдил шуғулланиб, маҳоратини тоблаган гимнастикачи қизлар юртимиз ва жаҳон миқёсидаги нуфузли беллашувларда иштирок этиб, юксак натижаларни қўлга киритмоқдалар. Энг муҳими, келажакда она бўлиб, фарзанд тарбияси билан шуғулланадиган бу қизлар нафақат соғлом ва гўзал, балки ички дунёси бой, иродаси мустаҳкам шахс бўлиб шаклланадилар.

Чиндан ҳам, бадиий гимнастика бетакрор мусиқий оҳангларга вобаста тарзда киши руҳиятига ижобий таъсир этади. Инсоннинг кайфияти, руҳий олами ва феъл-атворида гўзалликка, эзгуликка мойиллик уйғотади. Бу эса, табиийки, соғлом ҳаёт кечиришнинг муҳим омилларидан биридир. Шу боис Фарғона вилоятида ҳам мазкур нафис спорт турини янада ривожлантириш борасида амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилаётир.

> Яқинда Сания опа, у билан бирга меҳнат қилаётган ўнлаб мураббийлар ва машғулотларга қатновчи қизалоқларнинг орзулари ушалди. Фарғона шаҳрида халқаро талабларга жавоб берадиган бадиий гимнастика маркази очилди. Масканнинг марказий залидаги алоҳида 2 та майдонда тўрт нафар мураббий бир вақтнинг ўзида икки гуруҳ, яъни 60 нафар ёш спортчи билан машғулот олиб бориши мумкин. Шунингдек, бу ерда турли спорт фестиваллари, семинар-тренинглар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш учун ҳам шарт-шароит яратилган. Айни пайтда марказда 210 нафар қизалоқ ўзлари ёқтирган спорт турлари билан шуғулланмоқдалар.

— Аввалари шаҳримизда бадиий гимнастика билан шуғулланишга унчалик қизиқиш йўқ эди, — дейди Марғилон педагогика коллежи ўқувчиси Нодирахон Қўшоқова. — Эндиликда бизда ҳам халқаро миқёсдаги йирик мусобақаларда қатнашиб, чемпионликка эришаётган қизлар кўпайиб бормоқда. Ўзим 2006 — 2009 йилларда бўлиб ўтган мамлакат чемпионатида ғолиблик шоҳсупасига кўтарилдим. Жорий йилги “Баркамол авлод” мусобақаларида фахрли иккинчи ўринни эгалладим. Аммо бу билан чекланиб қолмоқчи эмасман. Чунки юртимизда биз, ёшлар учун жуда катта имкониятлар яратилган. Бундан унумли фойдаланиб, юқори натижаларни қўлга киритиш учун астойдил интилсак, марра бизники бўлади.

Сўх туманида ҳам спортнинг ушбу тури тобора ривожланиб бораяпти. Маълумки, Сўх водийнинг олис, тоғли ҳудудида жойлашган. Бу ердаги Ленбург қишлоғи Қатрон тоғларининг шундоқкина этагида. Ҳозирги кунда қишлоқдаги бадиий гимнастика залига қатнаётган қизалоқлар сафи тобора кенгайиб бораяпти. Қишлоқ аҳли ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини ошираётган изланувчан мураббий — Рахшона Жумаевадан миннатдор. Буёғини сўрасангиз, мураббийнинг мазкур кичик марказни ташкил этиш фикри аввал бошданоқ, қишлоқ фаолларига жуда ҳам маъқул келганди. Шу боис бадиий гимнастика зали ҳашар йўли билан бунёд этилди.

Машғулотлар бошлангани ҳамон Бибифотима Сайидбоева бир йўла уч неварасини шу ерга етаклаб келди. Уч кун ўтдими-йўқми, хабар олгани келса, ширидан-ширин неваралари нафис ҳаракатлар билан чаққон-чаққон машқ бажаришаяпти. Бирам қувонди, бирам қувонди. Кейин билса, бу мураббий қишлоқдаги болалар боғчасида ҳам гимнастика тўгарагини ташкил қилибди. Неваралари шундай ғайратли, фидойи устоз қўлида тарбия топаяптими, демак, улардан кўнгилни тўқ қилса бўлади...

Аслида, ёш бўлишига қарамай, етук малакага эга истеъдодли мураббийлар нафақат Сўхда, балки вилоятнинг бошқа туманларида ҳам бор. Масалан, Бувайда педагогика коллежини тамомлаган Сайёра Ҳамидова, Зилола Султонова ҳамда Фарғона давлат университетининг жисмоний тарбия факультети битирувчиси Ҳилола Жўраева ҳамкорликда Қўнғирот қишлоғидаги тиббиёт коллежида ана шундай тўгарак фаолиятини йўлга қўйишди. Бугунги кунга келиб, уларнинг ўқувчилари сони 30 нафардан ошиб қолди. Ёзёвон туманида эса бадиий гимнастика машғулотларида иштирок этаётганлар сони 110 нафарга етди. Жорий йилда яна Қорасоқол, Қатортол қишлоқларида ҳам бадиий гимнастика тўгараклари иш бошлади. Қувонарлиси, жойларда нафис спорт билан шуғулланувчилар кўплиги инобатга олиниб, алоҳида бинолар, марказлар барпо этилаяпти. Бизнингча, бу йўналишдаги ҳаракатлар худди шундай суръатда давом этаверса, Фарғонада истеъдод ҳамда маҳоратда тенгсиз бадиий гимнастика усталари сафи ортиб бораверади.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИМИЗ ДУНЁДА ТЕНГСИЗ

— дейди китоблик каштачи қизлар

Кечагидай ёдимда, болалигимда чевар момом тиккан палак уй деворига кўрк бериб турарди. Доимо баҳор кайфиятини улашадиган ушбу кашта уйга келган меҳмонларни ҳам эътиборсиз қолдирмасди. Ўша даврларда бундай сўзаналар саноқли уйларда бўлар, уни тикиш билан ҳам айрим одамлар, асосан, момоларимиз шуғулланишар эди.

Негаки, у замонларда халқимизнинг асрий мероси бўлган бу ҳунар эътибордан четда қолиб кетганди. Мустақиллик туфайли мамлакатимизда ҳунармандчилик ва халқ амалий санъатининг ривожига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг самараси ўлароқ, айни пайтга келиб, миллий ҳунармандчилигимиз, хусусан, каштачилигимиз тобора қулоч ёзиб, нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам ўз харидорларини топмоқда. Буни бизнинг миллий ҳунармандчилик корхонамиз фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Истиқлол — менинг тақдиримда

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги 3-академик лицейни тамомлаб, момом ардоқлаган ҳунар — каштачиликни танладим. Оила аъзоларимнинг қўллаб-қувватлаши билан корхона ташкил этдик. Шундан сўнг бу ерга чеварлик, каштадўзликка ҳавасманд хотин-қизлар жалб этилди. Ушбу интилишларимиз тез орада ўз самарасини бера бошлади. Кўргазмаларда қатнашиб, ҳамкорларимизни топдик. Жумладан, Тошкентдаги “Ўзэкспомарказ”да ташкил этилган халқаро кўргазма, “Дўппи тикдим ипаклари тиллодан” ва “Қўли гулдир ўзбек аёлин” каби кўргазма-ярмаркаларда маҳсулотларимизни намойиш этиб, маҳаллий ҳамда хорижлик ҳамкорлар билан шартномалар имзоладик.

Ҳозир фирмамизда йигирма нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Улар тиккан палак, кашта, дўппи ва бошқа совғабоп буюмлар Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарлардаги ҳамкорларимиз ҳамда Тошкентдаги “Совға” дўконига буюртма асосида етказиб берилмоқда. Биз тиккан ушбу буюмлар дунё кезиб, ўзбек ҳунарманд аёлларининг иқтидорини намойиш этаётганидан хурсандмиз.

Бугунги кунда фаолиятимизни янада кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил қилиш устида иш олиб бораяпмиз.

Шу мақсадда бизнес-режа ишлаб чиқиб, “Микрокредитбанк”нинг 5 миллион сўмлик имтиёзли кредитини қўлга киритдик. Мақсадимиз палакнинг Қашқадарёга хос бўлган “Қалампир”, “Анор”, “Чақмоқ”, “Тумор” каби қадимий нусхаларини тиклаб, ўзбек ёшларининг нафақат илм-фан ва спортда, балки ҳунармандчиликда ҳам салоҳиятли эканлигини дунёга кўз-кўз қилишдир. Мустақиллик бизга ана шундай катта имкониятлар берган экан, ундан унумли фойдаланиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Нодира ЖЎРАЕВА,
ҳунарманд.
Китоб тумани

ОБ-ҲАВО
(13 июль)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво бир оз булутли бўлади, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво бир оз булутли бўлади, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 21-26, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 23-25, кундузи 36-38 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Реклама ва эълонлар

Компания ва фирмалар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ

ТТ-20111-ИБ. 2004 — 2010 йилларда ишлаб чиқарилган болалар спорт мажмуаларини ва уларнинг қўшимча жиҳозлаш учун спорт анжомлари ҳамда роликларини етказиб бериш (лот № 66 номли).

Харидларнинг валюта — сўмда-эквивалент ҳисобида.

Тендер савдоларини ўтказиш бўйича ишчи орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Спорт иншоотларини спорт анжомлари ва ускуналари билан таъминлаш бўлими белгиланган.

Лимон ва ускуналарни етказиб бериш шартлари ҳамда муддати шартномада Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат буюртма ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришни ташкилий таъминлаш бошқармасининг 2010 йил 29 декабрдаги 9-ф-сонли буйруғи асосида белгиланади.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2011 йил 11 август куни соат 15.00 гача.

Таклифлар тендер савдоларини ўтказиш тартиби ва шарт-шароитлари жараёнлари бўйича қўшимча маълумотларни ҳар куни (душанба ва жиҳатдан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача тендер таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Спорт иншоотларини спорт анжомлари ва ускуналари билан таъминлаш бўлимидан олишлари мумкин.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Мустақиллик майдони, 5-уй.
Тел./факс: (8-371) 239-47-68, 239-47-96.

Тендер ҳужжатлари бепул тақдим этилади.

Тендер таклифларини таъминлаш учун — 400 000 сўм.

Тендер таклифларини тақдим этиш жараёнлари учун тендерда қатнашиш ҳақлари сумма, харид ҳажмининг 3-фоизини ташкил этади. Ҳақлар сумма ҳамда тендер ҳужжатлари учун тўлов ҳужжатларининг расмий рақамлари ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Тендерда иштирок қилишга талаб этилган ҳужжатларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича тажрибага эга бўлган малакали ва нуфузли фирма ҳамда ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Товар-биржаларни комплектлаштириш ва ривожлантириш ҳамда инвестиция лойиҳалари ва дастурларини экспертизадан ўтказиш республика марказининг 2011 йил 11 январдаги 9-04/003-сонли хабарига асосан, харидлар-ларга тавсиялар ва ҳужжатларида кўрсатилган.

Qishloq Qurilish Bank
ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»
хорижий валюталарнинг тўловга яроқлилигини аниқлаш мосламаси — детектор, пул санаш машинкалари ва нусха кўчирувчи мосламаларни
сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.
Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун давомида қабул қилинади.
Қўшимча маълумотлар учун манзил:
100060, Тошкент шаҳри, Шоҳжаҳон кўчаси, 35-уй.
Телефонлар: (8-371) 150-76-84, 150-93-39.

«AGRI PARTS OSIYO»
Қишлоқ хўжалиги, ер ишлаш ва йўл қурилиш технологиялари учун қатлай ажратгичлар, жамланмалар Ўзбекистон бозорига кўп йиллар давомида тақчиллик бераётган етакчи компаниялардан келтирилмоқда.
Барча маҳсулотлар фирмаларнинг заводлар ва ишлаб чиқаришларига кафолат берилиб ҳамда сифат ва мувофиқлик сертификатларини тақдим этилади.
Маҳсулот бозорига ишлаб чиқарувчилардан ва уларнинг дилерларидан келтирилаётганига боғлиқ нархларнинг ўзгаришидан ҳимоя қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

«Farg'ona charm polimer» МЧЖ
ўзи ишлаб чиқарган қуйидаги маҳсулотларни сотади:
- ҳар хил турдаги қурилиш линолеумлари;
- ПВХдан бўлган қопламалар;
- ПВХдан турли плёнкалар;
- пойабзал, чарм-атторлик, мебель ва автомобиль учун турли сунъий чармлар.

Маҳсулот сертификатланган.
Манзил: Фарғона шаҳри, Химиклар кўчаси, 3-уй.
Телефон: (8-373) 222-37-91.
Факс: (8-373) 222-37-78. Моб.: (+99897) 782-25-64.
E-mail: charm_polimer@mail.ru, kazimov62@mail.ru
1508/132

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси жамоаси академия ректори Абдураҳим Ваҳобовга волидаи муҳтарамаси
КИМЁХОН аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси девонхона бўлими бошлиғи Дилдора Юсуповага синглиси
Гулнора АРИФХАНОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси Биология, умумий генетика, микробиология, иммунология ва вирусология кафедрасининг ассистенти Нигора Ғофуровага волидаи муҳтарамаси
МАВЖУДА аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 51824 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5